



131

НОКИМИ

ҲОКИМИ

141100, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Нуробод шахри, Mustaqillik ko'chasi 2-uy, Tel: /8-366/ 633-16-34, Fax: /8-366/ 231-98-81, E-mail: nurobod@samarkand.uz

ҚАРОР

2014 йил «10» март

№ 139-қ

ер участкаси ажратиш ва  
қурилишга рухсат бериш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, «Ер участкаси»нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 26 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини яқинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йил 26 февралдаги «Қишлоққурилишлойиха» МЧЖ бош директори ва раҳбари билан келишилган №190-сонли келишув хати ва 2014 йил 24 февралдаги №2-14/64 сонли йиғилиш баёнини, вилоят табиатни ҳимоя қилиш қўмитасининг давлат экологик экспертизаси хулосасини Нуробод тумани «Коракамар чорваси» фермер хўжалиги томонидан узига тегишли 1957 контурда жойлашган лалмикор ер майдонидан 0,70 гектарга аҳолини маиший ва маданий эҳтиёжларини қўшниқ қилиш билан тўлдириб ҳамда автомобилларга қўшниқ қилинган газ қуйиш шахобчалари биноларини қуриш учун рухсат бериб ер участкаси ажратиш беришни сураб ёзган хати ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2014 йил 6 мартдаги далолатномаси ва тўпланган ер участкасини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани «Коракамар чорваси» фермер хўжалиги томонидан узига тегишли 1957 контурда жойлашган 0,70 гектар лалмикор ер майдонига аҳолини маиший ва маданий эҳтиёжларини қўшниқ қилиш билан тўлдириб ҳамда автомобилларга қўшниқ қилинган газ қуйиш шахобчалари биноларини қуриш учун рухсат берилиб, ер участкаси ажратилсин.

2. «Коракамар чорваси» фермер хўжалиги раиси Г. Жураевга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги №146-сонли қарорига асосан Нуробод тумани Улус маҳалласи ҳудудида жойлашган

“Коракамар чорваси” фермер хужалигига тегишли 1957 контурда жойлашган лалмикор ер майдонига аҳоли маиший балонларини суюлтирилган газ билан уюлдириш ҳамда автомобилларга суюлтирилган газ куйиш шахобчалари биноларини суюлтириш учун ажратилган 0,70 гектар лалмикор ер майдони учун ишлаб чиқариш объектларини ўрнини қоплаш мақсадида 1062600 (бир миллион олтмиш икки минг олти юз) сўмни вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг шахсус ҳисоб рақамига тўлаб бериш.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура ежадлаштириш топшириғи) ҳамда лойиха хужжатларини тайёрлаш.

- вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

- қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

- тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

- қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига муружаат қилиш:


3. Туман бош архитектори (А.Рахимов)га “Коракамар чорваси” фермер хужалиги раиси Г. Жураев томонидан тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан бир галикда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (А.Рахимов) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Н.Куйлиев) лар зиммасига юклатилсин.

5. “Коракамар чорваси” фермер хужалиги раиси Г. Жураев томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг тасдиқланган ер участкаларини бериш (реализация қилиш) шартларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими  Ж. Ибрагимов